O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV №



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 12 май № 99 (3374) Чоршанба

## МАКТАБЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

***11 май куни Оқсарой қароргоҳида Мактаб таълимини ривожлантириш дастури бўйича Махсус комиссиянинг йиғилиши бўлди. Уни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошқарди.***

"Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларини бажариш асносида, мактаблар моддий-техника имкониятларини ошириш, уларни замонавий бинолар, ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер ва адабиётлар билан таъминлаш долзарб аҳамият касб этмоқда. Зеро, Президентимиз уқтирганидек, мактабни битирган фарзандларимиз эртага олий ўқув юртлари, лицей ва коллежларга ҳар тарафлама пухта билим ва тайёргарлик билан келиши зарурлигини унутмаслигимиз керак.

2004 йил 19 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2004-2008 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармойиши эълон қилинди. Унга мувофиқ Дастурни Кадрлар тайёрлаш миллий дастури билан уйғунлаштирилган ҳолда ишлаб чиқиш бўйича Махсус комиссия тузилган эди. Республикамиздаги мавжуд мактабларнинг бугунги аҳволини, моддий-техника базасини батафсил ўрганиб чиқиш учун ишчи гуруҳлари ташкил этилганди.

Йиғилишда ушбу Фармойиш ижроси бўйича бажарилган ишларнинг дастлабки натижалари муҳокама қилинди.

— Тайёрланаётган Дастурни умуммиллий давлат дастури, деб аташ мақсадга мувофиқдир. Таълим ривожи миллат, халқ тақдирига, унинг келажагига дахлдор эканини кўзда тутадиган бўлсак, ушбу дастур ижроси умуммиллий масала демакдир, — деб таъкидлади Ислом Каримов.

Президентимиз 2004-2008 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш дастури лойиҳасини маромига етказиш юзасидан амалий таклиф ва фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Кўрилган масалалар юзасидан мутасадди раҳбарлар ахборот берди.

*(Йиғилиш ҳақидаги батафсил ҳисобот газетанинг кейинги сонида эълон қилинади).*

**(ЎзА).**

## КИЧИК СЕРЖАНТЛАРНИНГ КАТТА ОРЗУЛАРИ

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган сержантлар тайёрлаш мактаблари Қуролли Кучларимизнинг янада такомиллашувида муҳим самара бермоқда.

Тошкент ҳарбий округининг Чирчиқ шаҳридаги сержантлар тайёрлаш мактабида курсантларнинг навбатдаги битирув маросимида шу фикр алоҳида таъкидланди. Тадбирда ҳарбийлар, курсантларнинг оила аъзолари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг ўринбосари, полковник М.Аҳмедов, Тошкент ҳарбий округи қўмондони, генерал-майор Б.Тошматов, миллий хавфсизлик хизмати раиси ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси чегара қўшинлари қўмондони, генерал-лейтенант F.Тешаев, Чирчиқ шаҳар ҳокими Ш.Бобоев ва бошқалар курсантларни илк ҳарбий унвон ва масъулиятли хизматнинг бошланиши билан қизғин табриклади.

— Мактабимизда Қуролли Кучларимизнинг барча ҳарбий қисм ва бўлинмалари учун ўнлаб йўналиш бўйича мутахассислар — сержантлар тайёрланади, — деди сержантлар мактаби бошлиғи, полковник Назиржон Саидов. — Сержантликка номзод 25 ёшдан ошмаган, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ёки шартнома асосида хизмат қилаётган, барча синовлардан муваффақиятли ўтган бўлиши лозим.

— Олти ой мобайнида кичик командирлик йўналиши бўйича таҳсил олдим, — дейди сержант Азиз Сулаймонқулов. — Амалий ва назарий машғулотларда тажрибали офицерлардан ўрганган билимларни энди амалиётда қўллайман.

— Бугун мен учун унутилмас кун, — дейди Зафар Юнусов. — Шартнома асосида хизмат қилишни, кичик сержант унвонини олишни орзу қилар эдим. Мана, ниятимга етдим. Энди Ватанимга, халқимга садоқат билан хизматни давом эттираман.

**Холмурод САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Коллежлар учун замонавий техникалар

Кеча "Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг" компанияси, Американинг "Кейс-Нью Ҳолланд" корпорацияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ туманидаги "БМКБ - Агромаш" акциядорлик жамиятининг тажриба дала базасида "Қишлоқ хўжалигини механизациялаштиришдаги юқори самарали техник воситалар конструкцияси ва илғор технологиялар" мавзусида кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Тадбир иштирокчилари "Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг" компанияси ва "Кейс-Нью Ҳолланд" корпорациясида ишлаб чиқарилаётган замонавий қишлоқ хўжалик техникалари билан танишдилар.

Қишлоқ хўжалик ва қурилиш техникаси ишлаб чиқариш бўйича дунёда машҳур ҳисобланган "Кейс-Нью Ҳолланд" корпорацияси республикамиз билан ҳукуматимиз томонидан 1996 йилда имзоланган битимга биноан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Унга кўра, мамлакатимизга ўтган давр мобайнида 5 минг дона юқори унумли, жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган техника воситалари олиб келинди. Шунингдек, корпорация республикамиз агросаноат мажмуига катта миқдорда сармоя киритган инвесторлардан ҳисобланади. Хорижлик ҳамкорлар билан ҳозиргача "Кейс" русумидаги замонавий техника ишлаб чиқарадиган, уларни лизингга берадиган ва техник хизмат кўрсатадиган, шунингдек, "Кейс-Нью Ҳолланд" корпорацияси билан биргаликда тўртта қўшма корхона ташкил қилинди.

Бундан уч йил муқаддам Қуйи Чирчиқ туманида хорижий корпорацияси ва "Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг" компанияси билан ҳамкорликда вужудга келган модел хўжалиги айни пайтда юқори самарадорликка эришмоқда. Асосан пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган мазкур жамоада ҳосидорлик 60-80 центнерга етди. Ҳозир бу тажрибани республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам қўллаш кўзда тутилаяпти.

Корпорация мамлакатимиздаги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги қишлоқ хўжалиги мутахассислари тайёрлайдиган коллежларга ҳам замонавий техника воситалари етказиб бермоқда. Ҳозиргача ушбу йўналиш учун 18 та трактор тайёрланди. Жорий йилда эса коллежлар учун Япониянинг халқаро ҳамкорлик банки ёрдамида "Таълим соҳасини ривожлантириш" лойиҳасига биноан 66 та трактор ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Кўргазмали семинарга Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги ўқув муассасалари раҳбарлари ва мутахассислари таклиф этилдилар. Улар замонавий техника воситалари билан танишдилар, унинг юксак унум билан ишлашига юқори баҳо бердилар.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**



## Буғдойдан ранг олган йигитлар

*Халқда йигит кишига қуёшнинг тафти, заминнинг забти қувват бўлади, деган гап бор. Сиз суратда кўриб турган Рўзи Сафаровнинг ҳам елкасига қуёш тафти, билагига замин забти куч-қувват берган. У меҳнат қилаётган Жарқўрғон туманидаги машина-трактор парки жамоаси жорий йилда 8990 гектар майдондаги ғаллани ўриб олишга шайланиб турибди. Шунинг минг гектаридан зиёдроғидаги ҳосилни эса Р. Сафаров ўз комбайнида йиғиштириб беришга аҳд қилган.*

**СУРАТДА: комбайнчи Рўзи Сафаров.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## ПРЕЗИДЕНТ НУТҚИ КИТОБ ҲОЛИДА НАШР ЭТИЛДИ




***Президент Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқи "Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ" номи билан нашрдан чиқди. Китобни Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг "Ўзбекистон" нашриёти кўп минг нусхада чоп этди.***

Китобда шу йил 29-30 март ва 1 апрель кунлари мамлакатимизда содир этилган мудҳиш террорчилик ҳаракатлари ҳамда ҳозирги кунда бутун дунёда ташвиш туғдираётган халқаро терроризм ва диний ақидапарастлик, уларнинг аянчли оқибатлари ҳақида атрофлича фикр юритилади.

Барчага аён бўлиши керакки, ғанимларимизнинг асосий нияти Ўзбекистондаги тинчлик ва осойишталикни, жамиятимиздаги бунёдкорлик муҳитини, бугун биз барпо этаётган фаровон ва осуда ҳаётни бузиш, тобора кучга кираётган давлатимизни ағдариш, танлаган йўлимиздан қайтаришдир.

Китобда юртимизда миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга, олижаноб мақсад-муддаоларга етиш йўлида бизга хайрихоҳ бўлган давлатлар ва халқаро ташкилотлар, яқин ва узоқ қўшниларимиз билан ҳамкорлик алоқаларини кучайтиришга, демократик тамойиллар ва қарашлар одамларимизнинг тафаккуридан чуқур жой олишига эришишимиз кераклигига алоҳида эътибор қаратилган.

Президентимиз таъкидлаганидек, барчамиз бир тану бир жон бўлиб, терроризм ва экстремизм хавфига қарши қатъият билан кураш олиб боришимиз, "Ўз уйингни ўзинг асра" деган шиорнинг маъносини кенг ва чуқур англаб, гўзал ва бетакрор Ватанимизнинг тинчлигини, халқимиз осойишталигини кўз қорачиғидай сақлашимиз зарур.

**(ЎзА).**

### Жойлардан хабарлар

#### *Жамоанинг хайрли ишлари*

«Болалар» жамғармаси Жиззах шаҳар бўлими ўзига хос мурувват кўрсатди. Ота-онасиз қолган, ўзгалар қарамоғида тарбияланаётган 50 нафар ўғил-қизнинг тарихий Самарқанд шаҳрига саёҳатини уюштирди. Болажонлар Гўри Амир мақбараси, ал-Бухорий мажмуасида бўлишди.

**Б. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

#### *Малака оширгани Исроилга*

Андижоннинг турли сиҳатгоҳларида меҳнат қилаётган ўрта тиббиёт ходимларидан 12 нафари малакаларини ошириш учун Исроил давлатига жўнаб кетди. АҚШнинг ЮСАИД халқаро тараққиёт агентлиги ҳамда Исроил давлатининг «Машав» халқаро ҳомийлик дастурига кўра, улар бир ой мобайнида Тель-Авив ва Петак-Тиква шаҳарларидаги шифохоналарда бўладилар. «Дина» халқаро тиббиёт ходимлари малакасини ошириш марказида олиб борилаётган изланишлар билан яқиндан танишадилар. Муолажаларда бевосита қатнашадилар.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ҳуқуқшунослар ҳамкорлиги

Ўзбекистон Республикаси адлия вазири А.Полвонзода бошчилигидаги ҳайъат ГФРда бўлиб қайтди.

Ташриф давомида мамлакатимиз вакиллари Германия Федерал адлия вазирлиги давлат котиби Х.Гайгер, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш вазирлиги давлат котиби Э.Штатер ҳамда Берлин шаҳар сенати адлия департаменти раҳбари В.Кребс билан музокаралар ўтказди.

Мазкур мулоқотлар чоғида томонлар фуқаролик, процессуал, жиноий, суд-маъмурий ҳуқуқи масалалари, жазони ўташ амалиёти борасида фикр алмашдилар.

Ўзбекистон ҳайъати Бремен, Карлсруэ ва Лейпциг шаҳарларига ташриф буюриб, Германия адлия муассасалари фаолияти билан яқиндан танишди.

**Аслам АКБАРОВ,**
**"Жаҳон" АА.**

Берлин.

## Ҳокимлар газета ўқишадими?

Саволимиз ғалати туюлмаяптими, жаноб ҳокимлар. Ҳақиқатан ҳам, қай бирингиз ўз газетангизнинг (туман ҳокимлиги муассис бўлган) биттасини ҳам қолдирмай ўқийсиз? Хўш, ўқисангизлар қай бир хабардан, мақоладан, танқидий чиқишдан қониқиш ҳосил қилгансизлар? Қайси бирига қандай муносабат билдиргансизлар? Газета муассисининг вазифаси нималардан иборат эканлигини биласизларми? Ҳар қалай бу саволларга жавоб бериш сизларга андак қийинроқ бўларов, тўғрими? Айниқса, Қашқадарё вилоятидаги аксарият туманлар ҳокимларига. Негаки вилоятнинг нечта туманида газета компьютерда терилиб, саҳифаланиб, офсет усулида босилмоқда ва минг-минглаб нусхада ўқувчилар қўлига етиб бормоқда, деб ким айта олади? Аксарият туманларда газеталар алмисоқдан қолган усулда чоп этилаётир. Янаям ачинарлиси, кўпчилигининг адади мингтага ҳам бормайди. Табиий савол туғилади. Нега? Бунақада газета чиқариш нимага ва кимга керак?

Аслида газета чиқаришдан мақсад нима? 300-400, нари борса 1000 га яқин нусхада чоп этилаётган газетада ўқувчининг диққатини тортадиган, фикр уйғотадиган, мулоҳаза, мушоҳада қилишга ундайдиган мақолалар босилаяптими? Тумандаги янгиликлар, воқеалардан ўқувчилар ўз вақтида хабардор қилинаётирми? Сўз эркинлиги шароитида қайси газета қандай қиёфа ва нуфузга эга бўлди? Бунда муассиснинг, қолаверса, ҳокимнинг роли қай даражада? Мабодо газета ўз ўқувчисини тополмай, зўрға 300-400 нусхада чоп этилаётган бўлса, бунга фақат таҳририят ходимлари айбдорми? Ҳоким, яъни Сиз муҳаррир билан, қолаверса, журналистлар билан неча марта учрашгансиз, қачон матбуот анжумани ўтказгансиз? Умуман шу ишлар билан

### Мулоҳаза

шуғулланишга вақтингиз борми? Вақт топсангиз ҳафсалангиз бўладими ё бу соҳага тишингиз ўтмайдими? Тўғри, газета чиқишларини тушуниш, мақола қандай ёзилганлигини баҳолаш учун ҳам савия, билим керак.

Муассисларнинг, тўғрироғи ҳокимларнинг, Сизларнинг газетага эътибор бермасликларингиз сабаби саводнинг «бадхатлигида» эмасми мабодо. Йўқса, нега газетангиз ҳали-ҳануз линотипда терилиб, цинкография йўқлиги учун фотосуратсиз чоп этилмоқда. Бунинг сабаби билан ҳеч қизиқиб кўрганмисиз? Мана масалан, Китоб тумани ҳокимлигида «Китоб тонги» газетасига корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва хўжаликларнинг обуна бўлиш масаласи 2001 ва 2002 йилларда 3 мартадан, ўтган йили 4 марта муҳокама қилинибди. Шунингдек, бултур туман ҳокимининг «Китоб тонги» газетасига обуна қилиш тўғрисидаги фармойиши қабул қилинибди. 2002-2003 йилларда газета таҳририятига 100 минг сўмдан ўтказиб берилибди. Бор-йўғи шу. Натижада газета 506 нусхада чоп этилмоқда. Яна қаерда денг. Қаршида, вилоят босмахонасида. Чунки туман босмахонасида шароит йўқ. Муҳаррир Майсара Ҳайдарова Китоб билан Қарши оралиғида сарсон-саргардон. — Ҳоким газетани ўқимайди деб ўйлаймиз. Ўқиса, шунга яраша муомала бўларди-да. Бирор марта таҳририятга келгани йўқ. Келса эди, маблағ йўқлиги учун икки йилдан буён ходимларимизга сафар харажати, қалам ҳақи тўланмаслигини биларди.

— «Яккабоғ овози» газетаси 458 нусхада чиқаяпти.

— Нега дейсизми? — қизишиб гапга тушиб кетади туман босмахонаси директори Холбобо Қўқонов. — Газета талаб даражасида эмас. Сабаби, компьютерлашмаган, офсетга ўтмаган. Расмсиз чиқади. Нотўғри бўлса, мана муҳаррир айтсин. — У шундай деганча Бозор Азизовга ишора қилади.

— Туман газетаси керакми? — Бозор Азизов бу саволга савол билан жавоб қайтаради. — Агарда муассисга ўз сиёсатини элу халққа тушунтириш, одамларни ислоҳотлардан хабардор қилиш, уларнинг фаоллигини ошириш керак бўлса, керак. Газета чиқмай қолса, туман нимани йўқотади? Ҳеч нарсани дейиши мумкин айримлар. Аслида кўп нарсани йўқотади.

(Давоми 2-бетда).

*Муҳтарам муштарийлар!* *«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарига обуна давом этаётганлигини эслатган ҳолда таҳририят Сизнинг манфаатларингизни назарда тутиб янги имтиёзни жорий этди. Иккинчи ярим йиллик обуна нархи 25 фоизга арзонлаштирилди! Обуна бўлишга шошилинг!*

*Қарор ва ижро*

# «Инвестиция лойиҳалари таҳлили»

***Тарихдан аёнки, ўз сарҳадларида илму маърифат равнақига катта эътибор берган ҳар қандай давлатнинг қудратию шуҳрати зиёда бўлган, унда тинчлик-осойишталик ҳукм сурган, аҳли уламоларнинг сони, яратган асарлари кўпайган, фуқароларнинг уларга ҳамда давлат арбобларига ҳурмат-эҳтиромлари ошиб, илм-фан билан машғул толиби илмларнинг сафи янада кенгайган.***

***Мустақил мамлакатимизда ҳам қадим аждодларимиз тарихи тикланиб,уларнинг меросини сақлаган ҳолда бозор муносабатлари шароитида барча соҳаларда, шу жумладан, таълим тизимида ҳам туб ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда.***

Маълумки, таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишда замонавий ўқитиш, таълим бериш усулларидан, ахборот технологияларидан, ўзига хос педагогик маҳоратлардан, энг сўнгги илмий-назарий, амалий маълумотлар ва янгиликлардан юксак даражада фойдаланишга катта эътибор қаратилиши билан бирга, Ватанимизда кенг ўқувчилар оммасини замонавий ўқув адабиётлари ҳамда дарсликлари билан кенг доирада таъминлаш, уларни яратиш масалалари ҳам назарда тутилган.

Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 22 ноябрдаги "Узлуксиз таълим тизими учун янги авлод адабиётларини яратиш концепцияси тўғрисида"ги қарорининг қабул қилиниши мазкур масаланинг долзарблигини яна бир карра тасдиқлади, шу билан бирга, олий таълим йўналиши талабаларини давлат тилидаги ўқув адабиётлари билан етарли даражада таъминлаш вазифасининг аҳамиятини янада оширди.

Шундан келиб чиқиб, бугунги кунда таълим тизимининг барча соҳаларида мутахассислар, профессор-ўқитувчилар томонидан турли ўқув адабиётлари яратилмоқда. Хусусан, Тошкент молия институти ўқитувчилари — иқтисод фанлари номзоди, доцент Абдуғаффор Жўраев, катта ўқитувчилар Дилмурод Хўжамқулов ва Баҳодир Маматов қаламига мансуб, 2003 йилда "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида нашр қилинган "Инвестиция лойиҳалари таҳлили" ўқув қўлланмаси шулар жумласига киради.

Мазкур ўқув қўлланмаси институтнинг бакалавриатура таълим йўналиши учун тузилган "Инвестиция лойиҳалари таҳлили" фан дастурига, қолаверса, магистратура таълим йўналишидаги "Инвестицион таҳлил" фан дастурига мувофиқ келади. Китоб 12 та бобдан иборат бўлиб, унда иқтисодиётни ривожлантиришда инвестициялар ва инвестиция лойиҳаларининг ўрни, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш асослари, молиявий таҳлилнинг асосий жиҳатлари ва инвестицион қарорлар қабул қилиш мезонлари, инвестиция лойиҳаларида харажатлар таҳлили, инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолашнинг анъанавий усуллари, инвестициялар пул оқимларини дисконтлаш асосида баҳолаш тушунчаси, инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини мазкур усул асосида тавсифлаш, таваккалчилик ва ноаниқлик шароитида инвестиция лойиҳалари таҳлили, инвестиция лойиҳаларини техник баҳолаш ва таҳлил этиш, рақобатбардош инвестиция лойиҳалари таҳлили, қарз олувчи фаолиятини молиявий таҳлил қилиш, инвестиция лойиҳалари мониторинги каби масалалар атрофлича ёритилган.

Ўқув қўлланмасининг ўзига хос жиҳати ва афзаллиги шундаки, у нафақат олий ўқув юртларининг иқтисодиёт мутахассислиги талабалари, шунингдек, ўз фаолиятини янгидан ташкил этаётган ёки кенгайтирмоқчи бўлган тадбиркорлар, инвесторлар, мутахассислар учун, қолаверса, ўз билимини оширишни истовчи барча қизиқувчилар учун ҳам мўлжаллангандир. Жумладан, ҳар бир параграф сўнгида кўплаб саволларнинг берилиши талаба ва ўқувчиларга ўз билимини синаш, чархлаш ва мустаҳкамлаш имконини беради.

Ўқув қўлланмасидаги боблар ва мавзулар ўзаро мантиқий боғлиқлик асосида ёритилган бўлиб, шу тарзда, масалан, ҳар қандай иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи, унинг тараққиётини, мамлакатимиз келажагини таъминловчи куч ҳисобланмиш инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти, турли иқтисодчи-олимларнинг унга бўлган қарашлари ва берган таърифлари, инвестиция лойиҳалари тушунчаси ва уларни амалга оширишнинг миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги ўрни очиб берилган. Бу, ўз навбатида, тадбиркорлар, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари, қолаверса, инвестициялар ва инвестиция лойиҳалари таҳлили соҳасида кучли билимга эга мутахассис бўлишга интилувчиларнинг билим ва тушунчаларини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Яна шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг тавсияси билан нашр қилинган ушбу ўқув қўлланмаси талабалар ва ўқувчилар учун осон, тушунарли тилда ёзилган илк китоб ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, "Инвестиция лойиҳалари таҳлили" ўқув қўлланмаси Ўзбекистон Республикасида янги авлод дарсликларини яратиш йўлида эришилган ютуқлардан биридир. Айни чоғда уни фаннинг мазмуни ва асосини тадрижий равишда очиб берувчи қўлланма, бўлажак ёш мутахассислар учун ўзбек тилида чоп этилган муносиб туҳфа ҳам, деб баҳоласа арзийди. Бундай бебаҳо совға эса, табиийки, узоқ йиллар мобайнида илм ўрганувчилар ўртасида ўз ардоғига эга бўлади.

**М. ШАРИФХЎЖАЕВ,**
**Тошкент молия институти ректори, академик.**

## *Ўқув дастурида истеъмолчи ҳуқуқи*

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги 414-сонли "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 7-бандида Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Идоралараро кенгаш билан биргаликда 2003-2004 ўқув йилидан бошлаб республиканинг барча таълим муассасалари дастурларига истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ўрганиш бўйича махсус курсларнинг киритилиши кўзда тутилган.**

**Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда махсус курсларни ўқитиш сифатини яхшилаш юзасидан ҳуқуқ ўқитувчиларининг малакасини ошириш бўйича ўқув-семинар бўлиб ўтди.**

**Унда, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳаракатининг келиб чиқиши, унинг қонуний асослари, бу борадаги хорижий давлатлар тажрибаси ва ушбу жараёнда жамоатчиликнинг иштироки муҳим эканлиги таъкидлаб ўтилди.**

**Шунингдек, ички истеъмол бозорида сифати паст, фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирувчи товарлар сотилишига йўл қўймаслик устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, ўқувчи ёшларнинг ҳуқуқий ва истеъмол маданиятини оширишга доир масалалар хусусида ҳам фикр алмашинилди.**

**Саидолим ХАЙДАРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**



*Балиқчи туманидаги «Олимбек» ширкат хўжалиги деҳқонлари жорий йилда 247 гектар майдонга ғалла экишган эди. Улар шу кунларда етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олишга пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Ўрим-йиғим техникаси мавсумда фойдаланиш учун тайёр ҳолга келтириб қўйилди. Айни пайтда биолаборатория хизмати ходимлари қишлоқ хўжалиги экинларининг касалликларга чалинмаслиги учун барча чора-тадбирларни кўрмоқдалар.*

**СУРАТДА: биолаборатория ходими Шоира Қулмирзаева.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# Ҳокимлар газета ўқишадими?

(Давоми. Боши 1-бетда).

Афсуски, буни баъзи раҳбарлар тушунишмайди. Ҳали бирорта ҳокимнинг таҳририятга келганини эшитмаганман. Ҳисобимизда 450 минг сўм бор. Бу босмахона харажати ва иш ҳақи учун 5 ойга етади. Кейин...

— Бор гапни айтиб, бирор нарсага эришолмаймиз, — дейди Косон тумани «Умид юлдузи» газетаси муҳаррири Шокир Ахматов. — Газетамиз компьютерлашмаган. Суратсиз чиқаяпти. Эски услубда ишлаяпмиз. Туман 100 фоиз фермерликка ўтган. Хўжаликлар бор пайтида обуна қилинарди. Энди... Ҳозир 660 нусхада чиқаяпти. Йил охирига 350 та қолади. Бир дона газетани чиқариш учун 172 сўм харажат қилаяпмиз. Шунинг учун фақат штатдаги ходимларга қалам ҳақи тўлаяпмиз. Вилоят ичида сафар харажати берилмайди. Вилоятдан ташқарига чиқса, ноилож. Реклама ва эълонлардан 700-800 минг сўм тушади. Муассис бир сўм ҳам маблағ ажратмайди.

Бу айтилганлар барча туман газеталарига хос.

Вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси оммавий ахборот воситалари мониторинг бўлимидан олинган маълумотга қараганда туман газеталарининг ҳажми, даврийлиги турлича. Биттаси А-4 ҳажмда бўлса, бошқаси А-3 ҳажмда босилмоқда. Бири ҳафтада бир марта, иккинчиси 10 кунда, айримлари 15 кунда бир марта чоп этилаётир.

Газеталарни нашр этишда таннарх анча баланд. Таҳририятлар ва босмахоналар раҳбарлари бозор иқтисодиётига мослашмаётганликлари, маркетинг ва менежмент тушунчалари моҳиятини яхши билмаслиги, янги давр руҳини ҳис этиб ишламаётганликлари, маълум қолиплар доирасидан ташқари чиқиб кетолмаётганликлари оқибатида ана шундай ҳолга тушиб қолмоқдалар. Масалан, бир нусха газета нашр этиш учун «Китоб тонги» газетасида 204 сўм, «Нишон тонги» газетасида 143 сўм, «Қамаши ҳақиқати» газетасида 105 сўм, «Чироқчи» газетасида 92 сўм, «Яккабоғ овози» газетасида 92 сўм, «Шаҳрисабз тонги» газетасида 82 сўм харажат қилинган.

Эътибор беринг. Муборак туман ҳокимлиги муассислигидаги «Муборак ҳаёти» газетасида эса 36 сўм, Касби туман ҳокимлиги муассислигидаги «Садоқат» газетасида 43 сўм. Фарқи борми? Бор. Шунинг ўзиёқ кўп нарсани англатади. Хўш, муассис учун булар билиш, ўрганиш ва таҳлил қилишга арзигулик мисоллар эмасми?

Вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси ОАВ мониторингидан олинган маълумотномада ўтган йили «Истиқбол» (Қарши тумани) газетаси белгиланганидан 29 марта кам чиққан. Бу билан обуначиларга, яъни истеъмолчиларга 580580 сўм зарар етказилган. Шунингдек, «Истиқлол нури» (Ғузор тумани) 18 марта (етказилган зарар 790560 сўм), «Қамаши ҳақиқати» 32 марта (етказилган зарар 1176000 сўм), «Китоб тонги» 30 марта (етказилган зарар 4222800 сўм), «Деҳқонобод овози» 42 марта (етказилган зарар 1663200 сўм), «Чироқчи» 10 марта (етказилган зарар 1368500 сўм), Миришкор туманидаги «Нурли йўл» (етказилган зарар 489417 сўм) белгиланганидан кам чиққан.

«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасида («Муассиснинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари») муассис оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни таъминлаши шарт, деб ёзиб қўйилибди. Тўғри, «муассис цензурани амалга оширишга, рецензиядан ўтказишга ёки таҳририятнинг ижодий фаолиятига аралашишга, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг ишлаб чиқарилиши ва тарқатилиши масалаларига аралашишга ҳақли эмас». Бироқ юқорида келтирилган ҳолни кўриб, билиб туриб, ёрдам бермаслик муассиснинг ўз ҳуқуқи ва мажбуриятини бажармасликдан бошқа нарса ҳам эмас.

— Таҳлиллар шуни кўрсатадики, — дейилади ОАВ мониторинги бўлими маълумотномасида, — зарар кўриб ишлаётган ёки бозорда ўз ўрнини топиб кетолмаётган нашрларнинг аксарияти туман ҳокимликлари муассис бўлган газеталардир.

Сўзимизнинг бошида ҳокимлар ўзларининг газеталарини ўқишадими, деб бежиз сўрамадик. Агар ўқишганда, ўқишганда ҳам мунтазам, жиддий, теран таҳлил қилиб ўқишганда эди, обуначилар нега камайиб кетганлиги, муассис сифатида бу борада таҳририятга қандай кўмак кераклигини ҳис қилган бўлишарди. Обунанинг камайишига газеталардаги мақолаларнинг мазмунан саёз, сийқаси чиққан, энсани қотирадиган қуруқдан-қуруқ чучмал жумлалардан иборат эканлиги ҳам сабаб бўлаётганлигини англашарди. Афсуски, муассис ва таҳририят ўртасида алоқа узилиб қолган. Таҳририятлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Мен сенга тегмайман, сен менга қабилидаги муҳит шаклланган. Хўш, бунақада туман газетасидан нима фойда?

Жаноб ҳокимлар, келинглар, шу ҳақда бир ўйлашиб кўрайлик.

**Нарзулла РАВШАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Хабарлар оқимидан

## *Ҳорманг, Шукур ака!*

Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманида «Камрон КШК» фермер хўжалиги биринчилардан бўлиб чигит экишни тугаллаганди. Ниҳоллар бехато униб чиқди.

— «Фермерлик шарофати билан 12 киши иш билан таъминланди. Еримиз даштлик бўлгани учун ишни ерни тўйинтиришдан бошладик. 23 гектар еримизга 150 тонна маҳаллий ўғит чиқариб тўкдик. Биринчи йил бўлгани учунми, айрим қийинчиликлар рўй бериб турди. Туман ҳокимлигининг ёрдами билан муаммоларимиз кундан-кунга камайиб бораяпти.

Ўтган йили бу ер «Зарафшон» жамоа хўжалигига қарар эди. Гектаридан 10 центнердан ҳосил олинган экан. Бу йил — фермерлик шароитида гектаридан 20 центнер пахта топширишга шартнома-режа тузганмиз. Мўлжалим эса — 25 центнерга етказиш, — дейди фермер Шукур ака Камолов.

**Нилуфар АЙМЕТОВА.**

## *Тиббий муассасалар учун*

"Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Меҳр ва мурувват йили муносабати билан хорижий хайрия ташкилотлари иштирокида кўпгина ибратли ишларни амалга ошираётир. Яқинда жамғармада АҚШнинг "Амери Керс" халқаро хайрия ташкилоти томонидан келтирилган ёрдамни тиббий муассасаларга топшириш маросими бўлиб ўтди. Улар Тошкент шаҳридаги Гематология-қон қуйиш, онкология, фтизиатрия ва Пулмонология илмий текшириш институтларига, шунингдек, бошқа тиббиёт муассасаларига топширилди.

**М. ТОЖИЕВА.**



# Ер муқаддас

## *Ундан фойдаланишда қонунга амал қилиш шарт*

Мамлакатимизда аграр соҳа етакчи мавкега эгалигини ҳисобга олсак, қишлоқ хўжалигида қонун устуворлигини таъминлаш нечоғли муҳим аҳамият касб этишини англаш қийин эмас...

Қишлоқ хўжалигида янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнини амалга ошириш борасидаги ислоҳотлар салмоқли самаралар бермоқда. Бироқ, Президентимиз таъкидлаганидек, «... бу тармоқ ҳали-ҳамон мамлакатимиз иқтисодиётида жорий этилаётган ислоҳотларга, бугунги ҳаётнинг ўзи тақозо этаётган ўзгариш ва талабларга амал қилиш йўлида энг оғир соҳа бўлиб қолмоқда».

Айниқса, қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланишда бир қатор муаммолар тўпланиб қолган. Энг ачинарлиси, ерга оид қонунчиликни бузиш айримлар учун одатий ҳолга айланган. Бу каби кўплаб муаммоларни бартараф этиш учун хўжалик судлари олдига ҳуқуқ-тартибот идоралари, бошқа манфаатдор ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорликда амалга оширилиши керак бўлган бир қатор вазифалар қўйилган. Мазкур вазифаларнинг ижросини таъминлаш юзасидан Тошкент вилояти хўжалик суди томонидан ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоят хўжалик судининг тегишли қарорларига биноан ноқонуний фойдаланилаётган ерлар қайтариб олиниб, ҳақиқий эгаларига берилмоқда. Энг муҳими, мазкур тоифадаги низолар асосан сайёр суд мажлисларида, яъни ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликлари жойлашган манзилларда кўриб чиқилмоқда.

Яқинда вилоятнинг Оққўрғон туманидаги «Озод» ширкат хўжалиги дала шийпонида тумандаги «Умрзоқ», «Гўрўғли», «Чоч» каби бир нечта фермер хўжаликлари иштирокида ерга оид низолар кўриб чиқилди. Гап шундаки, «Умрзоқ» фермер хўжалиги ерни ижарага олиб, унинг умрини бекор ўтказаётганлардан. 2003 йилда контрактация шартномасига асосан давлатга 2,7 тонна пахта сотиши керак бўлган фермер бир кило ҳам пахта бермади. Ишдаги мавжуд ҳужжатларни атрофлича ўрганиб чиққан хўжалик суди ширкат хўжалиги билан фермер хўжалиги ўртасидаги ер ижараси тўғрисидаги шартномани бекор қилиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди.

«Чоч» фермер хўжалиги эса «Конка» ширкат хўжалиги билан тузилган — ерни узоқ муддатли ижарага бериш тўғрисидаги шартномага мувофиқ 2003 йилда 10 гектар ерга чигит экиши керак эди. Ҳолбуки, фермер ернинг 8,3 гектарига маккажўхори экиб юборган. Табиийки, шартномавий режа бажарилмаган. Оқибатда давлат ва халқ манфаатларига путур етказилган. Мазкур ҳолат бўйича ҳам хўжалик суди тегишли қарор қабул қилди: ер ижараси тўғрисидаги шартнома бекор қилиниб, ер ўз эгаларига қайтарилди.

«Гўрўғли» фермер хўжалиги ҳам ўзига ажратилган 15,8 гектар ердан оқилона, мақсадли фойдаланмаган. Судда аниқланишича, Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни талабларини қўпол равишда бузиб келган. Олдинги йиллардагидек, 2003 йилда ҳам давлатга пахта ва ғалла сотиш шартномавий режасини бажармаган. Ҳолбуки, белгиланган бўнак (аванс) пулларини, деҳқончилик учун бошқа зарур воситаларни ўз вақтида ва ҳеч қандай тўсиқсиз олган. Хўжалик суди томонидан мазкур низоли ҳолат ҳам атрофлича кўриб чиқилиб, ер ижараси тўғрисидаги шартнома бекор қилинди.

**Олий хўжалик суди матбуот маркази.**

# Таъминот: адолат мезон бўлсин!

*Бугунги кунда Самарқанд вилоятида 150 дан ортиқ ширкат хўжалиги, 10 мингга яқин фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Улар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтиришга баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқдалар. Аммо тармоқнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган муаммолар ҳам анчагина. Шулардан бири ёнилғи-мойлаш материаллари ва минерал ўғитлар тақсимотидаги маъмуриятчиликдир.*

Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси Каттақўрғон туман вакиллиги раҳбари Зикрилла Искандаровнинг айтишича, Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан сўнг ана шу муаммо ўз ечимини топмоқда. Хусусан, ҳозир туман ҳудудида минерал ўғитлар тарқатувчи 5 та шохобча фермерларга хизмат кўрсатмоқда.

Аммо ёнилғи таъминотидаги аҳвол ҳамон ночор.

Шу тумандаги Марди Султонов номли агрофирма раиси Ғолиб Омонов таъкидлаганидек, ҳар куни бир киши ёнилғи келтириш учун қарийб 100-120 километр йўл босиб, Нуробод ва Пахтачи туманлари орасида овора бўлмоқда. Чунки нефть базаси Нурободнинг Нурбулоқ қишлоғида жойлашган. Унинг Каттақўрғон туманига хизмат кўрсатувчи филиали эса Пахтачи тумани маркази — Зиёвуддинда.

— Ҳақиқатан ҳам, фермерларга ёнилғи-мойлаш материаллари етказиб беришдаги муаммолардан кўз юмиб бўлмайди, — дейди «Нуробод нефть базаси» унитар корхонаси бош муҳандиси вазифасини бажарувчи Собир Раҳимов. — Шуни ҳисобга олиб, жойларда фермерларга хизмат кўрсатувчи шохобчалар очаяпмиз. Шу кеча-кундузда Нуробод туманидаги «Сазағон» ширкат хўжалиги, Каттақўрғон туманининг «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги ва Иштихон туманининг Мурод Жўраев номли фермерлар уюшмасида 5 та шундай шохобча ишлаб турибди. Аммо бу кам, албатта. Шу боис яқин орада Каттақўрғон туманида яна 6 та, Нарпай туманида эса 2 та шохобча ташкил этмоқчимиз.

Айни пайтда корхона тасарруфида ёнилғи ташувчи 16 та машина мавжуд. Улар ёрдамида кунига 83 тонна ёнилғи фермерларга етказиб берилмоқда. Афсуски, ҳар ойда Фарғона ва Бухородан тегишли миқдордаги ёнилғи-мойлаш материаллари олишнинг имкони бўлмаяпти. Сабаби — унитар корхонанинг дебиторлик қарзлари 3 миллиард 70 минг сўмдан, кредиторлик қарзлари 80 миллион сўмдан ошган. Шунинг ўзиёқ таъминот масаласининг кўнгилдагидек бўлишига тўсқинлик қилмоқда.

Жомбой ва Пайариқ туманлари ширкат ва фермер хўжаликларига Пастдарғомдаги «Мароқанд» нефть базаси хизмат кўрсатмоқда. Улар шартнома асосида ёнилғини энг яқин шохобчадан ўз вақтида олишаяпти.

*Ислоҳот масъулияти*

— Пайариқда 12400 та, Жомбойда 800 та фермер хўжалиги бор, — дейди нефть базаси бош таъминотчиси Синдор Холбўтаев. — Шу хўжаликларнинг вакиллари Жомбой ёки Пайариқдан Пастдарғомга қатнашларини бир тасаввур қилинг. Уларга қулайлик яратиш мақсадида Пайариқда 14 та, Жомбойда эса 2 та шохобча очдик.

«Мароқанд» ва «Нуробод» нефть базалари юридик шахс мақомига эга бўлиб, уларнинг Пахтачи ва Булунғурда ҳам филиаллари бор.

Иккала нефть базаси 2004 йилнинг дастлабки икки ойида Фарғона ва Бухоро нефтни қайта ишлаш заводларидан 1439 тонна автобензин олиши лозим эди. Бироқ бу режа бажарилмади. Бензиннинг 93,4 фоизи, дизель ёнилғисининг 84,1 фоизи келтирилди, холос. Бу албатта вилоятда ёнилғи-мойлаш материалларининг танқислигига сабаб бўлмоқда.

Шу билан бирга, вилоят прокуратураси идоралари томонидан ўтказилган текширишларнинг кўрсатишича, жойларда айрим моддий жавобгар шахслар томонидан нефть маҳсулотлари ва минерал ўғитларни талон-торож қилиш ҳоллари ҳам аниқланди. Жумладан, вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» акциядорлик бирлашмасининг ўсимликлар зараркунандалари ва бегона ўтларни ташхис қилиш, башорат ва биоусул лабораторияси бош ҳисобчиси А. Жўраев 46523 сўмлик товар-моддий бойликларни ўзлаштириб юборган бўлса, Каттақўрғон туманидаги Мирзо Улуғбек номли ширкат хўжалигининг омбор мудири Х. Азизов 905 минг сўмликдан ортиқ нефть маҳсулотларини гумдон қилганига нима дейсиз?

— Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин, — дейди вилоят прокуратураси умумий назорат бўлимининг бошлиғи Алишер Зокиров. — Масалан, 2004 йилнинг 15 мартига қадар ходимларимиз томонидан нефть маҳсулотлари шохобчаларида ўтказилган текширувлар якунига кўра, тегишли ташкилотларга 5 та тақдимнома киритилиб, 5 нафар шахсга нисбатан маъмурий, 10 нафар шахсга интизомий жавобгарлик бўйича иш қўзғатилди, 3 киши эса моддий жавобгарликка тортилди.

Кўриниб турибдики, Самарқанд вилоятида минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари таъминоти ва тақсимотида муаммолар етарли. Уларни ҳал этишнинг эса битта йўли бор: у ҳам бўлса, бу борада адолат ва интизом мезони устун бўлишига эришишдир. Жойларда юзага келган салбий ҳолатлар ана шу икки омилнинг мувозанати бузилаётганини кўрсатмоқда.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Президентимизнинг 2002 йил 30 майда "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот — коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинган эди. Мазкур Фармон соҳадаги истиқбол уфқини кўзлаган бўлиб, тегишли идоралар ва масъул шахслар зиммасига катта вазифалар юклайди.*

# Компьютер савлатга эмас



Ахборот ва коммуникация технологиялари ривожланиши инсонлар турмуш тарзи, фаолияти ва ўзаро алоқаларини ўзгартириб юборди. 50 миллионли аудиторияни радио 38 йилда, телевидение 13 йилда, Интернет эса бор-йўғи 4 йилда эгаллади. Ахборот ва коммуникация технологиясидан дунёдаги турли соҳаларда кейинги 30 йил мобайнида компьютер техникасини ишлатиш 99,99 фоизга ошди.

Фақат 2003 йилнинг ўзида Ўзбекистонда Интернетдан фойдаланувчилар сони қарийб икки баробар кўпайди. Ахборотнинг бу туридан ҳозир ярим миллиондан ортиқ ўзбекистонлик фойдаланмоқда.

Ахборот ва коммуникация технологиясининг қандай хусусиятлари бу қадар тез тарқалиш имконини берди?

Энг аввало, гап ана шу технологиялар нархининг арзонлиги ва ахборотнинг зарурлигидадир.

*Сайёрамиздаги денгиз сатҳидан уч минг метр баландликда жойлашган Андах деган минтақадаги Пастокалле қишлоғининг деҳқонлари экинларга қирон келтира бошлаган чумолиларнинг бутун бошли армиясига дуч келдилар. Деҳқонлар маҳаллий мутахассисларни ёрдамга чақиришади, бироқ бу хуружни мутахассислар ҳам тўхтатиб қола олмайдилар. Қишлоқдошлар биргаликда пул тўплашиб компьютер сотиб олишади ва уни Интернетга улашади. Улар бутунжаҳон тармоғи бўйича ёрдам сўрайдилар. Орадан бир неча кун ўтгач, уларга жавоб келади: чумолиларни йўқотиш учун Андахнинг ўзида топиш осон бўлган органик моддадан фойдаланиш мумкин экан. Пастокаллеликлар у билан ерга ишлов беришган кунданоқ чумолилар ғойиб бўлишди.*

Ахборот ва коммуникация технологиялари илм-фан ютуқларини ҳаётга тезроқ жорий этиш ва ундан инсоният учун кўпроқ фаровонлик ва қулайликлар яратишни таъминлайдиган бекиёс омилдир. Шунинг учун ҳам у глобал муаммо бўлиб гавдаланмоқда.

"Билимлар етарли бўлмаганлиги учун эмас, балки биз улардан оқилона фойдалана олмаётганимиз боис, ҳаётимизга нисбатан улкан таъсири сезилмаётган ягона манбадир", — деган эди БМТ бош котиби Кофи Аннан.

Ахборот ва коммуникация технологиялари муомала ва муносабатлар борасида жуғрофий чегараларни бартараф этади, алоқалар жабҳасида турли тўловларни камайтиради ва жаҳон бозори дарвозаларини очади. Мазкур тизим турли соҳадаги энг янги кашфиётларни дақиқалар мобайнида бутун дунёга маълум қилади. Ахборот ва коммуникация технологиялари орқали ҳар қандай талаба тараққий этган мамлакатнинг олимларидан фан сирларини ўрганиши мумкин. Мазкур тизим ўзимиз яшаётган сайёрани қандай сақлаб қолиш, гуллаб-яшнатиш тўғрисида энг зарурий ва амалий маслаҳатларни беради. Ушбу алоқа воситаси туфайли дунёнинг турли бурчакларидаги инсонлар дақиқалар ичида дийдорлашишлари мумкин. Шунинг учун ҳам ахборот давримиздаги энг қимматли капиталга айланиб қолди. Бусиз яшаш, ривожланиш ва тараққий этишни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди.

## Фармондан сўнг

Бугун кўпгина ташкилотлар билан биргаликда олий ва ўрта махсус ўқув юртларимиз қарийб тўла Интернет тармоғига уланиб бўлди. «Масофадан ўқитиш» ибораси бугун тез-тез такрорланмоқда. Мактабларимизнинг ярмидан кўпи компьютерлар билан жиҳозланди. Уларнинг 141 таси Интернет тизимига уланди. Эришилган ютуқлар билан қувонсак арзийди. Аммо бу борада вилоятларда амалга оширилаётган ишлар аҳволини ўрганиш, ҳукуматимизнинг бу муҳим қарорини бажариш бўйича қилинадиган ишлар ҳали кўп эканлигидан далолат беради.

Бухоро вилоятида Япониянинг JBIC банки кредити ҳисобидан телефон тармоқлари кенгайтирилди. 20 та қишлоқ телефон станцияларида рақамли АТСлар ўрнатилиб, вилоят ва туманлар телефон станциялари орасида оптик толали кабеллар тортилди. Бухоро шаҳрида 3 та Интернет провайдери, 10 дан ортиқ Интернет кафелари аҳолига хизмат кўрсатаяпти. Компьютер асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар келтириш, вилоятда компьютерлар йиғиш, компьютерларга техник хизмат кўрсатиш, айниқса хусусий секторда яхши йўлга қўйилган. Иккита олий ўқув юртида ташкил этилган махсус кафедраларда юқори малакали кадрлар тайёрланмоқда. Шу ернинг ўзида ташкил қилинган Ахборот технологиялари марказларида уларнинг малакаларини ошириш имкониятлари яратилган. Вилоятда компьютер дастурлари ишлаб чиқишга ихтисослашган гуруҳлар ташкил қилиниб, замонавий компьютер дастурлари яратиш йўлга қўйилган. Шунингдек, Интернет хизматлари кўрсатиш, компьютер техникалари ва бутловчи қисмлар билан таъминлаш, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича соғлом рақобат муҳити яратилган.

Олинган маълумотларга қараганда, туман марказларини рақамли телекоммуникацион тармоқлар билан қамраб олиш бўйича ишлар Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган, Фарғона ва Хоразм вилоятларида тўлиқ бажарилган. Қолган вилоятларда эса эллик фоиз ёки ундан сал кўпроқни ташкил этади. Сирдарё вилоятида бу кўрсаткич энг паст даражададир.

— Компьютер базаси бор, энди технологиялар ўз-ўзидан ривожланаверади деб ўйлаш ҳам нотўғри, — дейди Бухоро Давлат университетининг Ахборот технологиялари ва масофадан ўқитиш маркази раҳбари Толиб Соҳибов. — Баъзан бирор ташкилот компьютер сотиб оларкан, ундан фойдаланишдан кўра столда савлат тўкиб туришига кўпроқ қизиқади. Бироқ у машинани ишлатиш учун махсус дастур кераклиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди. Чет давлатларда эса лицензиялаштирилган компьютер дастурлари компьютернинг ўзидан икки-уч баробар қиммат туради. Агар бизда ҳам маҳаллий мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган дастурларни лицензиялаш ва сотилиши кенг йўлга қўйилса, рақобат пайдо бўлиб, соҳа жадал ривожланади, — дейди у.

Компьютер дастурларини яратиш алоҳида ва ғоят муҳим мавзудир. Бугунги кунда бундай дастурлар яратиш борасида ҳиндистонлик олимлар карвонбошилик қилмоқдалар. Республикамизда бундай иш билан шуғулланадиган алоҳида марказ тузилди. Унда катта салоҳиятга эга ёшлар ва президент стипендиатлари фаолият олиб бормоқда.

Дастурлаш борасида ва компьютер техникасидан тўғри ва тўла-тўкис фойдаланишни ўргатувчи адабиётларни топиш қийинчиликлар туғдирмоқда. Бу соҳада қўлланмалар камчил. Қолаверса, улар ё инглиз, ё рус тилида. Шунинг учун ҳам ташкилот ёки муассасалар билиб-билмай "Pentium" сўзидан кейинги рақам юқорилигига қараб миллион-миллион сўмларга компьютер техникасини сотиб олади. Бироқ охир-оқибатда сотиб олинган қудратли машинанинг ўндан бир имконияти ишлатилмай, компьютер маънавий эскирганидан сўнг «қимматбаҳо» ҳарф териш машинкасига айланиб қолмоқда.

Вилоятлар миқёсида компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини комплекс ривожлантириш бўйича бажарилаётган ишлар амалий натижалар даражасида олиб борилса, бу ишларнинг савияси кўтарилса, вазифа юқорида айтганимиз — тоғли қишлоқдаги сингари оз бўлсада, натижа берган бўларди.

Бугун ҳаётимизнинг қай бўғинида, республикамизнинг қайси вилоят ва туманида раҳбарлар, масъул шахслар компьютерлаштириш, ахборот технологияларидан фойдаланишга саводлиларча ёндошмас, соҳага иккинчи даражали машғулот сифатида қарар эканлар, бу борада дунёга чиқишимизга катта путур етказади. Чунки тараққиёт кундан-кунга тезлашиб бораётган ҳозирги кунда ўз вақтида керакли ахборотни ололган жамиятгина ўз мавқеини сақлаб қолади, ўз тараққиётини таъминлайди. Ана шу тараққиётга монанд даражада огоҳ бўлмаган инсон кечаги кун билан яшашга маҳкумдир.

**Хуршид РАУПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Бойсунда учрашгунча!

***Ўзбекистон Бадиий академиясининг санъатшунослик институтида "Бойсун баҳори" учинчи фольклор фестивалига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

Шу йилнинг 17-19 май кунлари фестиваль Ўзбекистон ва кўплаб хорижий мамлакатлардан 400 га яқин иштирокчини Бойсунга чорлайди. Улар орасида фольклор жамоалар вакиллари, халқ бахши ва созандалари, ҳунармандлар ва либос усталари, олим ва журналистлар бор.

"Бойсун баҳори" дастуридан халқ сайллари доирасидаги очиқ концертлар, фольклор ансамбллари кўриги ва фольклор саҳна кўриниши, либос дизайнерлари танлови, ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазма-ярмаркаси, ландшафт саёҳатлари, бахшилар айтишуви ва кўпкари ўрин олган. Шунингдек, "Бойсуннинг тарихий-маданий қўриқхона сифатидаги келажаги" илмий-амалий анжумани ва минтақанинг сайёҳлик имкониятларини ривожлантиришга бағишланган давра суҳбати ҳам бўлиб ўтади.

**Феруза ҒУЛОМОВА,**
**"Жаҳон" АА.**

# Ғолибларга эсдалик совғалари

**Пойтахтимизда умумий ўрта таълим ҳамда болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ўқувчилари ўртасида «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг сузиш тури бўйича республика финал босқичи ўйинлари бўлиб ўтди. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган 260 нафар ёш спортчи ўзаро куч синашди.**

**Ўсмир ва қизлар ўртасида сузишнинг бир неча усуллари бўйича ўтказилган мусобақаларда Тошкент шаҳри жамоаси энг юқори кўрсаткичга эришиб, ғолиблик шоҳсупасини эгаллади. Иккинчи ўринга умумжамоа ҳисобида Навоий вилояти спортчилари эга бўлишди. Андижонликларга эса учинчи ўрин насиб этди.**

**Беллашув ғолибларига Халқ таълими вазирлигининг эсдалик совғалари ва махсус дипломлари топширилди.**

**Шунингдек, мусобақа якунида юқори натижаларга эришган ва алоҳида ўрнак кўрсатган ўн нафар ёш спортчига Тошкент шаҳар ХТББ ва Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг эсдалик совғалари тақдим этилди.**

**Мавжуда ХОЛМАТОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбарлари диққатига !*

**ТТЗ-80.10, ТТЗ-80.11, BY-300, BY-304-2 русумли тракторлар корхонадан — тўғридан-тўғри ишлатувчиларга !**

**«ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИ» ДАЖ**



*сизларнинг истакларингиз, таклиф-мулоҳазаларингизни ҳисобга олиб, мамлакатимиз минтақаларида ўзининг дилерлик тармоқларини ташкил этганлигини маълум қилади.*



*Қуйида кўрсатилган манзиллардаги дилерлик марказларига мурожаат этиб, майдонларда кўргазмага қўйилган техника воситаларидан сизга маъқул бўлганини сотиб олишингиз мумкин. Марказларнинг мутахассислари тракторларга сервис хизмати бўйича йўл-йўриқлар кўрсатиб, каталогларни сизларга тақдим этишади ва зарур эҳтиёт қисмларни танлаб олиш юзасидан маслаҳатлар беришади.*

*Ҳисоб-китоб — турли шаклда.*

**Дилерлик марказларимиз қуйидаги манзилларда жойлашган:**

| № | Манзил | Дилерлик марказлари номи | Директорлар исм-шарифи | Телефонлари |
|---|---|---|---|---|
| | **I. Қашқадарё вилояти** | | | |
| 1. | 731101, Косон шаҳри, Й.Охунбобоев кўчаси, 55-уй. | ТТЗ «Косон-сервис» | Тўраев Ш.С., бош ҳисобчи. | код 37559, 32262, 32697 |
| 2. | 731306, Ғузор шаҳри, Пахтазор маҳалласи. | "ТТЗ — ММТП" Ғузор | Зарипов Соатмурод Малеевич | код 37555, 22234, 21397 |
| | **II. Сурхондарё вилояти** | | | |
| 3. | 733000, Денов шаҳри, Остонақулов кўчаси, 107-уй. | ТТЗ «Сурхондарёсервис» | Чориев Абдусалом Ғаффорович, | код 37641 24601, факс: 21626 |
| 4. | 733606, Сариосиё шаҳри, Улуғбек кўчаси, 110-уй. | ММТП "Сариосиё" | Эшонқулов Тўхтасин, | код 37641, 31868 |
| 5. | 733414, Олтинсой тумани, Қорлуқ қўрғони, Охунбобоев кўчаси, 24-уй. | ММТП «Олтинсой» | Ҳусанов Абдураҳмон, | код 37647 51778, уйи: 51578 |
| 6. | Ангор тумани, "Талимарон" хўжалиги, 1-бўлим, Қорасув маҳалласи. | ММТП "Ангор" | Шауманов Тўра Шоуманович. | код 37631, 22047 |
| | **III. Хоразм вилояти** | | | |
| 7. | 741600, Хонқа шаҳри, У.Юсупов кўчаси, 2-уй. | Хоразм техника маркази | Юсупов Маматсалой, | код 36239, 91932, 92609 |
| 8. | 740006, Хонқа тумани, У.Юсупов кўчаси. | Янгибозор | Қаландаров Қадам. | уяли: 1545062 |
| | **IV. Жиззах вилояти** | | | |
| 9. | 708000, Жиззах шаҳри, Лаврентьев шоҳкўчаси, 3-уй. | Жиззах техника маркази | Жўраев Холмурод | код 37222, 31821, 31526 |
| | **V. Фарғона вилояти** | | | |
| 10. | 713826, Фарғона тумани, Аввал қишлоғи. | Фарғона техника маркази | Раҳмонов Маҳмуд Холматович | код 3732, 255733 |
| | **VI. Наманган вилояти** | | | |
| 11. | 716003, Наманган шаҳри, Шимолий саноат зонаси, Поляковский к., 19-уй. | Наманган вилояти техника маркази | Зиятов З.С. | код 36922, 40764 |
| | **VII. Қорақалпоғистон Республикаси** | | | |
| 12. | 743700, Тўрткўл шаҳри, Рашидов кўчаси, 53-уй. | Қорақалпоғистон техника маркази | Мадраимов Илҳомбой Давлатович | код 361 5323293 2214975, 2211200 |

**«Андижон электр тармоқлари» ОАЖ**

**акциядорларининг умумий йиғилиши 2004 йил 11 июнь куни соат 14.00 да жамият маъмурий биносида ўтказилади.**

**ЙИҒИЛИШ КУН ТАРТИБИГА ҚУЙИДАГИ МАСАЛАЛАР КИРИТИЛАДИ:**

1. «Андижон электр тармоқлари» ОАЖ бошқаруви раиси А.Қодировнинг жамиятнинг 2003 йилдаги молиявий хўжалик фаолияти якунлари бўйича ҳисоботи.
2. Жамият аудиторининг 2003 йил якунлари бўйича хулосасини тасдиқлаш.
3. Жамият тафтиш гуруҳининг 2003 йил якуни бўйича хулосасини тасдиқлаш.
4. Жамият кузатув кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш тўғрисида.
5. Жамиятнинг 2004 йил бизнес-режасини тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг 2004 йил фаолияти учун аудиторини тасдиқлаш.
7. Жамият бошқарув раисини тасдиқлаш.

**ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ !**

Корхона ўзи тайёрлаган ҳар хил турдаги

**МЕБЕЛЛАРНИ**

ва 16, 25, 40, 25х25 мм. диаметрдаги металл қувурларни арзон нархларда таклиф этади.




Манзиллар: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Жомий майдони, «Алимхон савдо уйи» ёки Яккасарой тумани, А.Қаҳҳор кўчаси, 42-уй. Телефонлар: 148-14-72, 104-49-17, 104-49-63, 104-49-67. Факс: 152-26-55.

**Intel® Xeon™ MP процессорлари базасидаги TS-Net Vigor® M серверлари**

TS TECHNOLOGY
Компьютеры и компьютерные технологии



Ўта муҳим масалалар учун ўта унумдор серверлар керак:

Intel® Xeon™ MP процессорлари базасидаги TS-Net Vigor® M серверлари.

**Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган, барча халқаро андозаларга жавоб берадиган, баҳоси тўғри келадиган серверлар.**

Корпоратив сотувлар: «Middle East Komputers», Тошкент ш., «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, 1520 офис. Тел.: (998 71) 120-77-78; e-mail: sales@tstech.uz.
«SK-Rest», Тошкент ш., Мусахонов к., 45-уй. Тел.: (998 71) 133-24-63; e-mail: sk-rest@tstech.uz.
Дистрибьютерлар: «Сакоти» МЧЖ, Тошкент ш., тел.: (371) 127-68-47, 127-59-57; «Техсервис», Термиз ш., тел.: (37622) 7-45-54;
«Поиск» ЕИТИ маркази, Фарғона ш., тел.: (3732) 24-13-13, 24-31-80.
http//:www.tstech.uz.

Intel, Intel, Intel Inside логотипи, Intel Inside, Intel Centrino логотипи, Intel Centrino, Celeron, Intel Xeon, Intel SpeedStep, Itanium, Pentium ва Pentium III Xeon логотипи Intel корпорацияси ва бўлималарининг АҚШ ва бошқа давлатларда товар белгилари ёки рўйхатдан ўтган товар белгиларидир.

**MAKSIMA МЕБЕЛЬ САЛОНИ**

Италия, Испания, Польша, Германиядан келтирилган мебеллар, ёритгичлар, қандиллар, идиш-товоқ, расмлар, кўрпа-ёстиқ анжомлари ва санъат маҳсулотларини таклиф этади.



**MAKSIMA АРТ-ДИЗАЙН-СТУДИЯСИ**

хонадонингиз, ҳовлингиз дизайнини якка тартибда ишлаб беради.
Каталог бўйича буюртмангиз етказиб берилади.

**«Rosenthal»дан сара идиш-товоқлар.**

Манзилимиз: Тошкент ш., Қунаев к. (собиқ Сапёрная), 46-уй.
Мўлжал — Мирабод бозори.
Тел.: 111-14-44, 152-75-94.
e-mail : maksima_@globalnet.uz
Товарлар сертификатланган.




**Корхона шина маҳсулотларини таклиф этади**

**ШИНА**



- ЮК МАШИНАЛАР УЧУН
- АВТОБУСЛАР УЧУН
- ТРАКТОРЛАР УЧУН
- ЕНГИЛ МАШИНАЛАР УЧУН

**Улгуржи нархларда.**

ТЕЛЕФОНЛАР: (371) 137-10-14, 137-47-78, 137-47-31, (3732), 24-77-84, 24-71-68.
Маҳсулот сертификатланган.

## «Бахт-иқбол... ҳуқуқига эгаман» танловига

# Юракларда кўкарган дарахт

Людмила ва Ашим Болатовлар меҳрга зор кўнгилларга ҳамдард ва меҳрибон инсонлар жумласидан ҳисобланади. Ана шу меҳрибонлик туйғулари бу гўшани оилавий болалар уйига айлантирган бўлса, ажаб эмас...

Ашим оғалар уйига борганимизда, ҳаммадан олдин кўзлари мунчоқдек 3-4 ёшлар чамасидаги ширин қизалоқ югуриб чиқди. Ичкарига кирдик. Қўлида тошбақа солинган кичкина саватчасини кўтарган кўйи бояги қизча ҳам ёнимиздан жой олди. Людмила опадан унинг исмини сўрадик. Марҳабо — бу оиланинг кенжатойи ҳам эркатойи экан. Айниқса, дадасининг овунчоғи эканлигини Ашим ака суҳбатимиз давомида бир неча бор такрорлади.

Қизалоқ бизни ҳам қизиқтириб қолди. Суҳбат чоғи у гоҳ шеър, гоҳ қўшиқ айтиб, бизни қувонтирди, ҳайратга солди. Унинг митти вужудида оламнинг ҳайратлари, севинчлари билан бирга биз билган, ўзи билмаган армонлар ҳам борлигини ҳис этдик.

— Яқинда унинг туғилган кунини нишонлаймиз, — деди Ашим ака ҳам фахр, ҳам меҳр билан.

«Унинг туғилган куни қачон ўзи?» деган саволимнинг жавобидан шундай хулоса чиқараман: унинг туғилган куни — бир ҳафталик миттигина чақалоқнинг тонг саҳарда Ашим оғалар эшиги олдида йўргаги билан қолдирилган куни. Кимдир юрагини юлиб, бировнинг остонасига ташлаб кетган кун — унинг туғилган куни. Балки бу ёшликнинг тор йўлида адашган, 18 га кирмаган бардошсиз, бебош қизнинг аччиқ хатосидир. Балки ўз жигаргўшасини ўзи била туриб ташлаб кетган тошбағир онанинг ножўя қилмишидир. Ким бўлганда ҳам уни кечириб бўлмайди.

***«Юз буриб фарзандидан, ташлаб кетганлар қанча.***

***Яна кимлар неча йил бир тирноққа зор ажаб...»***

Ҳа, бугун худди шу ҳақиқатни қайта-қайта англаяпмиз.

Людмила опа чақалоқни кипригида авайлаб катта қилди, унга бор меҳрини берди.

Кенгга кенг дунё деганлари балки шудир.

Ўзининг тўрт фарзанди ташвишларидан зерикмаган, фарзанд табиатнинг энг азиз неъмати эканлигини ҳис этган икки меҳрибон қалб эгаси — байналмилал хонадон соҳиблари 1986 йили Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб оилавий болалар уйини ташкил этишди.

— Дастлаб Тошкентдаги 23-болалар уйидан Гулмира ва Динара исмли қизларни олиб тарбиялай бошладик, — деб эслайди Людмила опа. — Кейин ўғил-қизларимиз сафи кенгайиб борди: Руслан, Розия, Рустам, Нафиса, Катя, Наташа, Роза, Сергей, Богдан ва бошқалар. Уларнинг сони ҳозир 14 нафарга етди. Қизларнинг каттаси Гулмира ўқишни тугатиб, Тошкентда ишлаяпти. Динарани мустақил яшаши учун ётоқхонага чиқардик. Лекин ҳар куни биз билан бирга. Ҳозир уни ишга жойлаштириш масаласини ҳал қилишимиз керак. Яна бир қизимиз Навоий шаҳрида уй-жойдан фойдаланиш идорасида ишлаяпти.

Ашим оға ва Людмила опалар ҳамма нарсага меҳнат билан эришган. Болалар ҳам билим ва одоб билан бирга меҳнат қилишга ўрганаяпти. Қизлар латофатли, пазанда, ораста, ўғил болалар мард ва иродали, катта-ю кичикка ғамхўр ва меҳрибон бўлиб камолга етмоқда.

Ашим Болатов 1943 йили Хитойнинг Чавшаҳ шаҳрида туғилган. Миллати — уйғур. Ота-онаси 1962 йили беш фарзанди билан Қозоғистондан кўним топган. Ашим оға ўша ерда механизаторлар тайёрлаш курсида ўқиган, совхозда ишлаган.

— Ота-онам, акам Юсуфни Қозоғистон тупроғига қўйганмиз, — дея суҳбатни давом эттиради у. — Биз аввал-бошда ўн уч фарзанд бўлганмиз. Кейин бешовлон қолганмиз. Бир акам ҳозир Хитойнинг Ғулжа шаҳрида шифокор бўлиб ишлайди. Бир неча йил олдин Людмила билан бориб, акамни кўриб келдик.

Людмила Болатова эса асли ворошиловградлик. Миллати — рус. Ёшлигидан уч укаси ва синглисига қарашда онасига ёрдам берган. Турмушнинг қувончу ташвишларини енгишга ўрганган.

Бу икки саховатли қалб соҳибини тақдир синовлардан ўтказиб-ўтказиб учраштиргани аниқ. Улар Навоийга 1983 йилда кўчиб келиб, «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Нитрон цехида меҳнат қилишди. Ўша ердан пенсияга чиқишди. Улар ўз ҳаётларини маълум маънода 14 нафар ўғил-қизга бағишлашди. Бу оилавий болалар уйида камол топаётган ўзбек, рус, қозоқ, уйғур, тожик, татар, корейс каби турли миллат фарзандлари бир тану бир жон бўлиб, шарқона одоб билан нафас олаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Вилоятдаги яна бир оилавий болалар уйида — М. Пардаевалар хонадонида турли ёшдаги болалар тарбияланмоқда. Болатовлар оилавий болалар уйи эса ўзига хослиги билан ажралиб туради. Уларнинг ибрати нафақат шаҳар ва вилоятда, балки Ҳамдўстлик мамлакатларида ҳам эътироф этилмоқда. Ўтган йили Россия Муфтийлари Кенгаши томонидан таъсис этилган «Ал-Фахр» иккинчи даражали ҳурмат ордени ҳам шу оилавий болалар уйига насиб этди. Уларга бир ярим миллион сўм пул мукофот тариқасида топширилди. Ашим ака бу маблағни болалари кўпдан орзу қилиб юрган телевизор ва компьютер олишга, дарсхонани жиҳозлашга сарфлади.

Навоий шаҳар ҳокимлиги томонидан болалар озиқ-овқати учун ҳар ойда 750 минг сўм миқдорида маблағ ажратилмоқда. Шунингдек, мактаб ёшидаги болаларнинг ўқув қуроллари билан таъминланиши ҳам ҳокимлик назоратида. Болаларнинг яхши ўқиши, кўнгилли дам олиши учун шароит етарли. Арзимаган каровот ёки спорт анжоми етишмаслиги мумкин. Аммо энг муҳими, бу оилада тарбияланаётганлар учун ОНА МЕҲРИ етарли, ОТА МУҲАББАТИ бенинмат.

**Маруса ҲОСИЛОВА.**
**Навоий шаҳри.**


"TEZINTOM" ЎЗБЕКИСТОН-ГЕРМАНИЯ ҚК

TEZINTOM

ЎЗ ХАРИДОРЛАРИГА ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ҚУРИЛИШ АНЖОМЛАРИНИНГ ЎТА ЗАМОНАВИЙ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:






ТУРЛИ РАНГДАГИ ЎТА ЗАМОНАВИЙ ТОМ ЁПҚИЧ АНЖОМЛАРИДАН ИБОРАТ БЎЛМИШ ТОМЛАР ТЎЛИҚ КОМПЛЕКТЛАРИНИ ТОПШИРИШ

- Варақсимон ва доналик металлочерепицалар
- Майда тароқли уч хил турдаги профнастил (профил баландлиги 19 мм).
- Кўп турдаги аксессуарлар (том пардози элементлари). Металло черепица ва профнастил узунлиги 0,95 дан 12 метргача. 1 квадрат метр маҳсулотнинг вазни 4, 5 кг. Том анжомларининг барчаси ғарб ускуналарида чет эл хомашёсидан тайёрланади.

ДЕВОР ВА ОСМА ШИФТ ДЕКОРАТИВ ПАНЕЛЛАРИ, ЎРНАТГИЧ ЭЛЕМЕНТЛАРИ БИЛАН БИРГАЛИКДА

Турли рангдаги полимер қопламалик, қалинлиги 0,5 мм.лик пўлатдан ясалган.

Гўзал ва ишончли

ТУРЛИ РАНГДАГИ ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛАРИ БИЛАН БЕЗАК БЕРИШ

"МЕЕН" (Германия), фирмаси технологияси асосида агрессив муҳитта металл ва электр ўтказувчи пластмасса маҳсулотларига.

ГЕРМАНИЯНИНГ "НЕВО" ФИРМАСИ УСКУНАСИДА ТАЙЁРЛАНГАН ЮКСАК БАДИИЙ САВИЯДАГИ НОЁБ МЕТАЛЛ МАҲСУЛОТЛАРИ

Жимжимадор панжаралар, суянчиқлар, ғаройиб дарвозалар, қандиллар ва бошқа гўзал буюмлар.

Манзил: Тошкент ш., Муҳитдинов к., 1(ТОЭМЗ-1). Мўлжал: "Буюк Ипак йўли" м. ст.

«ТЕЗИНТОМ» қўшма корхонаси маҳсулотларининг нархлари сезиларли арзонлаштирилган

Тел.: (998-71) 162-42-47, 162-78-59, 162-42-74. Факс: 162-41-05. E-mail: tezintom@globalnet.uz



«CHINATEX»

Хитой компанияси

ҲАР ХИЛ ТУРДАГИ ИП-ГАЗЛАМА, СИНТЕТИК ВА ТРИКОТАЖ МАТОЛАР, КЎРПА-ЁСТИҚ АНЖОМЛАРИ, КИЙИМ-КЕЧАК ВА БОШҚАЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ ВА ХИТОЙДАН ЕТКАЗИБ БЕРАДИ.

КОМПАНИЯ ЎЗ ФАОЛИЯТИНИНГ КЕНГАЙИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚУЙИДАГИ БЎШ ЛАВОЗИМЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**БУХГАЛТЕР**

***Номзодларга қўйиладиган талаблар:*** иқтисодиёт ва молия соҳаси бўйича олий маълумотли, тижорат тизимларида (ташқи иқтисодий фаолият) тажрибага эга, солиққа оид масалалар, қўшма ва чет эл корхоналарини ташкил этиш бўйича қонунчилик ҳамда PC (Excel, «IC», Word)ни биладиган бўлишлари керак. Инглиз тилини биладиганларга афзаллик берилади.

**СОТУВ БЎЙИЧА МЕНЕЖЕР**

***Номзодларга қўйиладиган талаблар:*** мазкур соҳада тажрибага ва музокаралар олиб бориш қобилиятига эга, киришимли, мақсад сари интиладиган, яхши ташкилотчи, масъулиятни ҳис қилувчи бўлишлари керак. Инглиз ва хитой тилини биладиганларга афзаллик берилади.

**ХИТОЙ ТИЛИ ТАРЖИМОНИ**

***Номзодларга қўйиладиган талаблар:*** олий маълумотли, хитой тилини оғзаки ва ёзма мукаммал биладиган, бизнес-музокараларни таржима қилиш тажрибасига эга бўлишлари керак.

*Номзодлар суҳбатдан ва синов муддатидан ўтадилар.*

**Анкетани қуйидаги манзилда тўлдириш мумкин: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Восит Воҳидов кўчаси, 104-уй. Мўлжал — «Grand Mir» меҳмонхонаси (собиқ «Россия»). Телефонлар: 120-80-81, 120-80-82, факс: 120-80-80, e-mail: Taskent@chinatex.uz.**

Номзодларда паспорт ва 3х4 см. ҳажмдаги 1 та фотосурат бўлиши лозим.
Анкетани топширишнинг сўнгги муддати — 2004 йил 23 май.



ESENYA
ҚУРИЛИШ-ИНЖИНИРИНГ ФИРМАСИ

БОЛАЛАРГА МЕҲР БИЛАН

ESENYA
Bau- und Handelinvestition GmbH
Traunreut - Deutschland

«Оналар ва болалар йили» ва «Соғлом авлод учун» давлат дастурларида белгиланган вазифаларни бажара бориб, фирмамиз «Болаларга меҳр билан» дастурини тайёрлади. Дастур доирасида болалар учун катта спорт ва кўнгил очар ҳамда соғломлаштириш мажмуалари, сув ҳавзалари, кўнгил очар боғларни ишлаб чиқди.

Ўтган «Маҳалла йили»да биз «Менинг уйим — менинг маҳаллам» дастурини тайёрладик. Мазкур дастур узвий равишда болаларни соғломлаштириш ва жисмоний ривожлантиришга қаратилган «Болаларга меҳр билан» умумий дастурига кирди. Ушбу дастур бўйича 12 та ўйин тизимлари ва болалар майдончалари ишлаб чиқилган бўлиб, биз уларни маҳаллалар, кўп қаватли уйларнинг ҳовлилари, боғлар, Меҳрибонлик уйлари, мактаблар ва мактабгача тарбия муассасаларида жойлаштиришни тавсия этамиз.


















Бу йил — Меҳр ва мурувват йили. Йил бўйи биз кўп болали, кам таъминланган оилалар,қариялар ва ногирон бўлиб қолганларга моддий ёрдам кўрсатиш, уларнинг оғирини енгил қилиш учун қатор тадбирлар белгилаганмиз.Лекин улар ҳақида кенг оммага жар солишни, ўзимизни тарғиб қилишни истамаймиз. Бизнингча, вақтинчалик қийинчилик кўриб турган одамларга ёрдам кўрсатиб, шу билан обрў орттириш инсофдан эмас. Ахир ҳар бир киши савоб ишни ҳар доимо қилиши керак.

Кўрсатаётган ёрдамимизни жамоатчиликка кўз-кўз қилиш, бизнингча, тўғри бўлмаса керак. Шунинг учун биз бу ишларни алоҳида ёндошган ҳолда амалга оширамиз.

**МДҲдаги ишлар бўйича бош менежер**
**Шавели Матвелиев.**



**УШБУ ЛОЙИҲАЛАРНИНГ МУАЛЛИФИ — «ESENYA - Bau - und Handelinvestition GmbH Traunreut - Deutschland» ФИРМАСИ. МАЗКУР ЛОЙИҲАЛАРНИ ҲАР БИР БОСҚИЧДА ЛОЙИҲАЛАШ, ҚУРИШ БЎЙИЧА УНИНГ МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ХАЛҚАРО ҚОНУНЧИЛИК ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИГИ БИЛАН ҲИМОЯЛАНАДИ.**

700025, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, А.Қаҳҳор кўчаси, 49-уй.
Телефон: +99871 107-16-00. Тел./факс: +99871 152-13-01.


## *Ўзбекистон Қаҳрамони талабалар меҳмони*

Республика Солиқ академиясида «Тарихий хотирасиз — келажак йўқ» деб номланган тадбир ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Қаҳрамони, ўзбек театр санъатининг дарғаси Зикир Муҳаммаджонов ўз ижодий йўли ҳақидаги хотиралари билан ўртоқлашди.

Академия талабалари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Эл суйган санъаткор билан бўлган ижодий учрашув ва академия талабалари томонидан тайёрланган «Руҳларни шод этиб...» деб номланган адабий-бадиий композиция байрам қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

**Зарифа МУҲИДДИН қизи.**


Корхона қурилиш молларини таклиф этади

Улгуржи нархларда.

Линолеум — Россия, эни 1,5 м., 2 м.

Гулқоғоз (ОБОИ) — Россия, Белоруссия, ҳар хил кўринишларда

Ламинат — Германия HDM корхонасида ишлаб чиқарилган

ва бошқа қурилиш материаллари.

ТЕЛЕФОНЛАР: (371) 136-17-12, 68-53-43, 137-48-76, (3732) 24-82-00, 24-92-74.

Маҳсулот сертификатланган.



«ҲИМОЯ — ҲУҚУҚИЙ МАРКАЗИ» АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ

ТЎЛОВ — НАТИЖА БЎЙИЧА!

ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ КЎРСАТАДИ:

- дебиторлик қарзларини ундириш;
- ҳар қандай хўжалик низоларини кўриб чиқиш;
- корхоналарга юридик хизмат кўрсатиш;
- шартномалар ва импорт контрактлар экспертизаси;
- кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш ва қайта расмийлаштиришда ёрдам кўрсатиш;
- корхоналарни тезкор рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш.

HIMOYA

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

Телефонлар: Тошкент ш., (371) 133-11-13, 137-13-43, 175-63-72. Бухоро ш.: (365) 223-63-72, 223-68-85. Самарқанд ш.: (3662) 35-76-15. e-mail: himoya@sarkor.uz


«Тошкент ёғ-мой комбинати» қўшма корхонаси меҳнат жамоаси жамият бошқаруви раиси Мухтор Раҳимовга волидаи муҳтарамаси

**Муҳаррам опа РАҲИМОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзгеобурғунефтгазқазибчиқариш» акциядорлик компанияси раҳбарияти ва меҳнат жамоаси «Саноатконтехназорат» агентлигининг собиқ директори

**Акром Ғуломович АҲМАДБОЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Yangiyol yog-moy» ХИИ ОАЖ раҳбарияти ОАЖ «Тошкент ёғ-мой комбинати» ҚК директори Мухтор Раҳимовга волидаси

**Муҳаррам опа РАҲИМОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Хоразмтранс» автомобилда юк ва йўловчилар ташиш уюшмаси раҳбарияти ҳамда касаба уюшмаси кенгаши уюшма бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Қодирберган Хажиевга волидаи муҳтарамаси

**ГУЛСАРА аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ҳокимияти туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Х.А. Халмуратовга акаси

**Қурбон ХАЛМУРАТОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г—669. 28754 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
Т-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Эшматов.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.40 23456